

**“SUPPORT Team” СМ ТЕХНИК ХИЗМАТ КЎРСАТИШ
МАРКАЗИНИНГ (“SPECIAL TECHNO SOFT” МЧЖ) ОНЛАЙН НКМНИНГ
АППАРАТ ВА ДАСТУРИЙ ТАЪМИНОТЛАРИГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ
ҲАМДА ТАЪМИРЛАШ БЎЙИЧА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ БИЛАН БОҒЛИҚ
ШАРТНОМАНИНГ ОММАВИЙ ОФЕРТАСИ**

100057, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., Яккасарой тумани, А.Қахҳор кўчаси, 9-тор кўча 1а-уй юридик манзилида жойлашган, СТИРи 306 351 564, ИФТК (ОКЭД) 58 290 бўлган, “SPECIAL TECHNO SOFT” МЧЖ Техник хизмат кўрсатиш маркази (ТХКМ) номидан Низом асосида фаолият юритувчи Директор Д.Ф.Усмонов, келгусида “Ижрочи” деб аталувчи бир томондан,

Юридик манзили: 100057, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., Яккасарой тумани, А.Қахҳор кўчаси, 9-тор кўча 1а-уйда жойлашган, СТИРи 306 351 564, ИФТК (ОКЭД) 58 290 бўлган, Директор Д.Ф.Усмонов номидан Устав асосида фаолият юритувчи келгусида “Ижрочи” деб номланадиган “SPECIAL TECHNO SOFT” МЧЖ Техник хизмат кўрсатиш маркази (ТХКМ) бир томондан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 369-моддаси 2-бандига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг ҳудудида рўйхатдан ўтган Ижрочининг хизматларидан фойдаланишни хоҳлаган, келгусида “Буюртмачи” деб номланадиган ҳар қандай Юридик шахс ёки Якка тартибдаги тадбиркорга Онлайн Назорат касса машиналарининг аппарат таъминотиغا хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш бўйича (бундай кейин матнда – Онлайн НКМ) Оферта шартномасини тузишни таклиф қилади. Юридик шахс ёки Якка тартибдаги тадбиркор томонидан қуйида баён этиладиган шартлар ва хизмат кўрсатиш тўловларининг қабул қилиниши, ушбу офертанинг акцептини амалга оширувчи шахс Буюртмачига айланишини билдиради (Ўзбекистон Республикасининг ФК 370-моддаси 4-бандига мувофиқ оферта акцепти офертада баён этилган шартларга тенгдир). Буюртмачи Шартнома томонига айланади ва ушбу Шартнома шартларига мувофиқ ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

Юқорида қайд этилганларни инобатга олган ҳолда ушбу Шартноманиннг шартлари билан батафсил танишиб чиқинг, агар шартнома шартларининг қайсидир бир бандларига рози бўлмаган тақдирингизда Ижрочи Сизга акцепт учун зарур бўлган қандайдир ҳаракатдан воз кечишингизни ёки Буюртмачи билан якка тартибда муҳокама қилинадиган шартнома тузишни таклиф этади. Буюртмачи Ижрочидан коди кўрсатилган ва Онлайн НКМдаги “fiscalapp” иловасига ёки Хизмат

(сервис)нинг шахсий кабинетига ёхуд Сервис Операторининг кабинетига олинган кодни киритган ҳолдаги СМС-хабарларни олади.

1. Шартнома предмети.

1.1. Ижрочи ўзига Онлайн НКМга хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш бўйича барча зарур ишларни техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш талабларига мувофиқ бажариш, шунингдек, бошқа тегишли хизматларни тақдим этади, Буюртмачи эса ишни қабул қилиш ва унга тўлов қилиш мажбуриятларини олади.

1.2. Шартномага мувофиқ кўрсатилган хизматларнинг тури, ҳажми ва қиймати ушбу Шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланувчи Спецификация иловаси ва прайс-варағида белгиланади.

1.3. Буюртмачининг Шартнома тузилган вақтида соз ҳолатда турган Онлайн НКМни техник хизмат кўрсатишга қабул қилинади. Аввал фойдаланишда бўлган НКМ улар техник текширувдан ўтказилганидан, зарур ҳолларда эса Буюртмачи ҳисобидан қайта таъмирланганидан сўнг қабул қилинади. Ушбу Шартнома бўйича барча ишлар Пудратчининг асбоблари орқали бажарилади. Онлайн НКМдаги носозликни бартараф этиш (ТХКМ мутахассисининг хулосаси бўйича) ёки Онлайн НКМ носозлигини у ўрнатилган жойда таъмирлашни олиб бориш имкони бўлмаган ҳолларда носоз онлайн НКМ Буюртмачи томонидан келгусида таъмирланиши учун Ижрочининг устахонасига олиб борилиши лозим. Ижрочининг устахонасида таъмирланишида Онлайн НКМ таъмири учун 100% тўлов амалга оширилган вақтдан бошлаб 5 (беш) иш кунидан кам бўлмаган муддатда таъмирлаш белгиланади.

1.4. Ишлаб чиқарувчи заводнинг кафолати амал қилиши даврида Ижрочи ишлаб чиқарувчи заводнинг айби билан ишдан чиққан таркибий қисмларни бепул алмаштириб беради.

1.5. Онлайн НКМга техник хизмат кўрсатиш ва/ёки таъмирлаш билан боғлиқ ҳар бир ишни бажаришда Ижрочи Буюртмачининг Онлайн НКМга техник хизмат кўрсатиш журнаliga тегишли қайдни амалга оширади ёки олиб борилган ишлар ҳақида Далолатнома беради. Агар Буюртмачига Онлайн НКМ таъмирлаш амалга оширилгани ва қайтарилганидан сўнг 5 (беш) иш кунни давомида Буюртмачидан Онлайн НКМни таъмирлаш бўйича ёзма эътирозлар келиб тушмаган тақдирда ишлар тўлиқ ҳажмда бажарилган деб ҳисобланади ва бунда алоҳида Далолатнома тузилмаслиги мумкин.

1.6. Агар техник хизмат кўрсатиш бўйича хизматлар кўрсатилган ҳисобот ойдан кейинги 5 (беш) иш кунни давомида Буюртмачидан хизмат кўрсатиш билан

боғлиқ ёзма эътирозлар келиб тушмаган тақдирда хизматлар тўлиқ хажмда бажарилган деб ҳисобланади ва бунда алоҳида Далолатнома тузилмаслиги мумкин.

2. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

2.1. Буюртмачи ушбу Шартноманинг тўлиқ амал қилиши давомида Ижрочидан ташқари бошқа қандайдир корхона ёки жисмоний шахсларнинг техник хизмат кўрсатиш ёки таъмирлаш бўйича хизматларидан фойдаланишга ҳақли эмас.

2.2. Буюртмачи ўзи ва ўзининг ваколатли шахслари тўғрисидаги зарур ишончли маълумотлар (реквизитлар)ни тақдим этиши ва уларни асл нусхалари ёки тегишли ҳужжатлар нусхалари билан тасдиқлаши лозим. Кўрсатилган реквизитлар ўзгарган тақдирда Буюртмачи зудлик билан бу ҳақда Ижрочини тегишли ҳисобга олиш шаклларига ўзгартиришларни киритиши учун хабардор қилиши керак.

2.3. Буюртмачи Онлайн НКМни созлашда иштирок этиши, ўргатувчи материаллар билан танишиши шарт.

2.4. Буюртмачи Онлайн НКМдан фойдаланиш қоидалари ва шартларига фойдаланиш ҳужжатларига мувофиқ риоя қилиши, Онлайн НКМни Онлайн НКМга фойдаланиш ҳужжатларига мувофиқ харажат материаллари билан ишлашини таъминлаши шарт.

2.5. Буюртмачи Онлайн НКМдаги сурғичларнинг бутлиги учун масъул ҳисобланади.

2.6. Буюртмачи Онлайн НКМдан улар фақат Ижрочи томонидан техник хизмат кўрсатилишига қабул қилинганидан ва солиқ органларида рўйхатдан ўтганидан сўнг фойдаланиш мажбуриятини олади.

2.7. Буюртмачи фойдаланиш ҳужжатларининг талабларига ва амалдаги меъёрий ҳужжатларга мувофиқ Онлайн НКМ учун ишчи жойини жиҳозлаши ва ходимларни Онлайн НКМга ўқитиши шарт.

2.8. Буюртмачи Онлайн НКМга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш билан боғлиқ ҳужжатларни юритиш, ҳисобини олиш, сақлаш ва ҳисобдан чиқаришни ташкил этади.

2.9. Буюртмачи Ижрочининг мутахассисларига онлайн НКМни техник ва дастурий текширувдан ўтказиш ҳамда Шартнома бўйича ишларнинг сифатли бажарилиши учун зарур шароитларни таъминлайди. Ижрочига тегишли ходимларнинг Онлайн НКМдан тегишли фойдаланиш бўйича кўрсатмалари ва йўл-йўриқларини бажаради.

2.10. Буюртмачи Онлайн НКМдан фойдаланиш жараёнида аниқланган хар қандай носозликлар, жумладан, сурғичнинг шикастлангани ҳақида зудлик билан Ижрочини хабардор қилиши шарт. Буюртмачи Онлайн НКМнинг сурғичи (пломбаси) бузилгани, бошқа носозликлари аниқланганида зудлик билан Онлайн НКМдан фойдаланишни тўхтатиши, шунингдек, Ижрочининг ходимлари томонидан Онлайн НКМдан фойдаланилишини тақиқлаши шарт.

2.11. Буюртмачи Ижрочи томонидан кўрсатилган хизматлар учун Прейскурант (рўйхат) ва ушбу шартномада белгиланган нархга мувофиқ ўз вақтида тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади. Буюртмачи ушбу шартнома бўйича ўз вақтида тўловни амалга оширмаган тақдирида Онлайн НКМда ишлаши блокировкаланиши (ёпиб қўйилиши) ҳақида хабардор этилади ва унга ўз розилигини билдиради.

2.12. Буюртмачи томонидан Ижрочининг хизматлари унга боғлиқ бўлмаган ҳолатлар туфайли бажарилмаган тақдирда хизматлар учун ҳақ Буюртмачи томонидан тўлиқ ҳажмда тўланиши лозим.

2.13. Ижрочи Буюртмачининг топшириғига кўра Онлайн НКМнинг функционал (ишлаш) хусусиятларини тартибга солиш, созлаш ва назорат қилишни амалга оширади. Буюртмачининг Онлайн НКМдан фойдаланиш бўйича кўрсатмаси (йўл-йўриғи) Онлайн НКМ созланган кунда амалга оширилади.

2.14. Зарур ҳолларда Ижрочи Онлайн НКМга техник хизмат кўрсатиш, таъмирлаш, рўйхатдан ўтказиш, солиқ органларидан ҳисобдан чиқариш, соз ҳолатдалиги тўғрисида, бошқа ҳолларда эса Онлайн НКМдан келгусида фойдаланиш имкони бўлмагани ҳақида техник хулосани тузади.

2.15. Ижрочи Онлайн НКМга техник хизмат кўрсатиш бўйича хизматларни кўрсатади, Онлайн НКМга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш бўйича тўлов учун ҳисобларни ва ҳисоб фактураларини ўрнатади. Буюртмачи ҳисоб фактурасини олган кунидан бошлаб 5 (беш) иш куни давомида уни қабул қилиши, ёки хизматлар/ишларни қабул қилишни асословчи ёзма раддияни жўнатади. Агар Буюртмачи 5 (беш) иш куни давомида хизматлар/ишлар кўрсатиш бўйича ҳисоб фактурасини тасдиқламаса ёки ишни ва/ёки хизматни қабул қилишни асосли рад этмаган тақдирида ишлар ва/ёки хизматлар ўз вақтида ва тегишли тарзда ушбу шартнома шартларига мувофиқ бажарилган ва Буюртмачи томонидан тўлиқ ҳажмда қабул қилинган деб ҳисобланади.

2.16. Зарур ҳолларда Ижрочи Буюртмачининг кассирлар ва ишга жалб қилинган мутахассисларини Онлайн НКМдан фойдаланиш ва ишлатиш масалалари бўйича ўқитишни ва маслаҳат беришни амалга оширади.

2.17. Ижрочи Буюртмачидан Онлайн НКМдан фойдаланишга тааллуқли масалалар бўйича маълумотлар ва изоҳларни талаб қилишга ҳақли, Буюртмачига Онлайн НКМдан фойдаланишда йўл қўйилган хатолар (ҳуқуқбузарликлар)ни ва мазкур ҳуқуқбузарликларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни кўрсатган ҳолда кўрсатма (йўл-йўриқ) беради.

2.18. Ижрочи Буюртмачи томонидан ушбу шартноманинг шартини бажармаган тақдирида Онлайн НКМда ишлаш сифати учун жавоб бермайди.

3. Ишларни олиб бориш тартиби ва ҳисоб-китобларнинг тартиби.

3.1. Зарур ҳолларда Буюртмачи Ижрочига Шартнома бўйича хизматларнинг зарур рўйхатини текшириб чиқиш ва келишиш мақсадида Онлайн НКМни тақдим этади ва хизматларнинг бошланғич пакетини тўлайди. Бажариладиган ишлар ва/ёки хизматларнинг турлари ва уларнинг нархи Шартноманинг Спецификация иловасида кўрсатилади.

3.2. Буюртмачи томонидан техник хизмат кўрсатиш бўйича хизматлар календарь ойи, чорак, ярим йиллик, йил учун шартнома нархлари бўйича амалга оширилади.

3.3. Биринчи ой учун тўлов Ижрочи томонидан ўрнатилган ҳисобга асосан ҳисоб белгиланган кундан бошлаб 3 (уч) банк куни давомида Ижрочининг ҳисоб рақамига 100%ли олдиндан тўлов қилиш йўли билан амалга оширилади. Навбатдаги ойлар учун тўлов ойлик ҳисоб-китоб даври учун олдинги тўлов тугаши билан 100% тўлов қилиш (ой учун) йўли орқали амалга оширилади. Буюртмачи бир неча ойлар учун олдиндан тўловни амалга оширишга ҳақли. Ушбу Шартнома бўйича тўлов нақд пулсиз шаклдаги ҳисоблар бўйича олиб борилади, унга 12% ҚҚС киради. Ҳисоб-китоблар Ўзбекистон Республикасининг сўмида олиб борилади. Пул маблағларининг Ижрочининг ҳисоб рақамига келиб тушган санаси тўлов санаси деб эътироф этилади. Ижрочининг талаби бўйича Буюртмачи унга тўлов қоғозининг банк томонидан ижрога қабул қилганлиги қайд этилган нусхасини тақдим этади.

3.4. Буюртмачи томонидан Онлайн НКМни таъмирлаш бўйича ишларга ҳақ тўланиши ушбу Шартноманинг Иловасида кўрсатилган шартномавий нархларда амалга оширилади.

3.5. Онлайн НКМ бузилиб қолган тақдирда Буюртмачи Ижрочига зудлик билан мурожаат қилиши ва унга таъмирланиши лозим бўлган Онлайн НКМни диагностика қилиш ва кейинчалик таъмирланиши учун бериши шарт. Буюртмачи Ижрочига мурожаат қилганида мурожаат қилган кунига Буюртмачининг таъмирланиши лозим бўлган Онлайн НКМни Ижрочининг Тошкент шаҳрида жойлашган Бош идорасига етказиб берилишини қопловчи транспорт харажатларининг ҳисобини беради. Транспорт харажатларини тўлаш Буюртмачи томонилан 2 (икки) иш кунида амалга оширилиши лозим. Буюртмачининг Онлайн НКМ жўнатилганидан ва диагностика олиб борилганидан сўнг Ижрочи Буюртмачига унинг томонидан 3 (уч) иш куни давомида Онлайн НКМ таъмири учун тўланиши лозим бўлган ҳисобни беради. Ижрочининг ҳисоб рақамига Буюртмачидан пул маблағлари келиб тушиши билан Ижрочи Онлайн НКМни таъмирлашга киришади. Буюртмачи томонидан ҳисоб берилган вақтдан бошлаб 2 (икки) иш куни давомида транспорт харажатлари учун 100% тўлов амалга оширилмаган тақдирда Ижрочи Онлайн НКМни Буюртмачига уни диагностика қилинмаган ва таъмирланмаган ҳолда қайтаради. Агар 3 (уч) иш куни давомида Буюртмачи таъмир нархининг олдиндан тўловини 100%га амалга оширмаса, Ижрочи Онлайн НКМни Буюртмачига уни таъмирланмаган ҳолда қайтаради, бунда Буюртмачи томонидан Онлайн НКМни диагностика қилиш мақсадида етказиб бериш бўйича аввал тўланган транспорт харажатлари қайтарилмайди.

3.6. Онлайн НКМга техник хизмат кўрсатиш ва/ёки таъмирлаш бўйича хизматлар/ишларнинг нархи шартнома қисми ҳисобланган Иловада кўрсатилган амалдаги нархларга мувофиқ белгиланади. Шартнома бўйича кўрсатиладиган хизматларнинг нархлари Ижрочининг www.support24.uz манзилидаги сайтида жойлаштирилган. Нархлар Ижрочи томонидан мустақил равишда белгиланади. Ижрочи тариф режаларини, хизмат кўрсатиш нархларини, хизмат кўрсатиш доирасини, шунингдек, хизматлар кўрсатиш ва ишларни бажаришнинг бошқа қиймат (нарх) шартларини ўзининг www.support24.uz манзилидаги расмий сайтида жойлаштириш йўли билан ўзгартиришга ҳақли. Нархлар чоракда фақат бир марта ўзгартирилиши мумкин.

3.7. Тикловчи таъмир учун харажат материалларининг нархи техник хизмат кўрсатиш нархига крмайди.

3.8. Ижрочи ўзининг расмий www.support24.uz сайтида тегишли эълонларни жойлаштириш йўли билан ушбу Шартнома Иловасининг амалдаги шартларига янги хизматлар ва/ёки ишларни киритиш ҳуқуқига эга.

3.9. Ижрочининг хизматлари Буюртмачи томонидан тўлиқ ҳажмда тўланиши лозим.

3.10. Ижрочи Буюртмачи томонидан бундай мажбуриятлар вақтида бажарилиши керак бўлган Шартноманинг 3.3-бандига мувофиқ олдиндан 100% тўлов амалга оширмаган тақдирида Буюртмачига хизмат кўрсатишни тўхтатиш, Онлайн НКМ ишини блоклаб қўйиш ҳуқуқига эга. Хизматлар кўрсатишни тўхтатиб қўйиш, Онлайн НКМ ишини блоклаш Буюртмачи Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини тўлиқ бажармагунига қадар амалга оширилади.

3.11. Агар Буюртмачи тўлаши лозим бўлган даврдан бошлаб 10 календарь кунидан ортиқ муддатда Ижрочининг хизматлари учун тўлов қилмаган тақдирида Ижрочи Буюртмачини бу ҳақда огоҳлантирган ҳолда суддан ташқари бир томонлама тартибда Шартномани бекор қилишга ҳақли ҳисобланади.

3.12. Шартнома шартларини бажаришда молиявий ҳужжатлар Буюртмачига почта жўнатмасида ҳам, манзилга олиб бориб бериш йўли билан ҳам, шахсий кабинети орқали ҳам етказилиши ёки Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ бошқа усул билан жўнатилиши мумкин.

4. Шартноманинг амал қилиш муддати.

4.1. Шартнома Буюртмачи томонидан қабул қилинган вақтидан бошлаб, кучга киради ва ушбу Шартноманинг шартларига мувофиқ ҳамда Томонлар ўзаро мажбуриятларини бажарганидан кейин, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ бекор қилинганидан сўнг амал қилиниши тугайди.

4.2. Ижрочи Шартноманинг ва Илованинг янги таҳририни Сайтида жойлаштириш орқали Шартномага исталган вақтида ўзгартиришларни киритиши мумкин.

4.3. Шартнома Томонларнинг ҳар бири тарафидан бир томонлама тартибда Шартноманинг бекор қилиниши мўлжалланаётган санадан бошлаб иккинчи томонини бу ҳақда 15 (ўн беш) календарь кунига қадар ёзма тартибда огоҳлантириш орқали амалга оширилиши мумкин. Шартнома Томонлар тарафидан ўз мажбуриятлари бажарилганидан ва Шартнома шартларига кўра ўзаро ҳисоб-китоблар амалга оширилганидан сўнг тугатилган ҳисобланади.

4.4. Шартнома томонларнинг келишуви ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ ваколатли органларнинг қарори бўйича бекор қилиниши мумкин.

5. Конфиденциаллиги (махфийлиги).

5.1. Буюртмачининг шахсий маълумотларига Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 16 апрелдаги “Шахсий маълумотлар тўғрисида”ги Қонуни ва ушбу Оферта шартномасининг қоидаларига мувофиқ ишлов берилади.

5.2. Буюртмачи Ижрочи ва унинг бевосита ваколатли вакилларига ўзининг шахсий маълумотларига (фамилияси, исми, шарифи, туғилган санаси, паспорт маълумотлари, жинси, хизмат ва уяли алоқа телефонлари, электрон почта манзили, юридик шахс, якка тартибдаги тадбиркор тўғрисидаги рўйхатдан ўтиш маълумоти, Буюртмачининг манзили, хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш мақсадида маълумотларни йиғиш, тизимлаштириш, тўплаш, сақлаш, аниқлик киритиш, фойдаланиш, маркетинг статистик тадқиқотларини олиб бориш, Шартномани расмийлаштиришда ахборотни ёки бошқа ахборотни тарқатиш) ишлов берилишига ўз розилигини беради. Шу билан бирга Ижрочига Буюртмачининг эркин хоҳишини кўшимча тарзда тасдиқлаши учун ёзма шаклдаги ёки бошқа далиллар талаб қилинмайди. Буюртмачи унинг розилиги аниқлигини, бундан хабардор эканлигини ва онгли равишда эканлигини тасдиқлайди.

5.3. Буюртмачининг шахсий маълумотларига ишлов берилишига розилиги Ижрочи томонидан маълумотлардан фойдаланиш тўхтатилиши мўлжалланаётган санадан камида 30 (ўттиз) кун олдин Ижрочининг манзилига хат жўнатиш орқали қайтариб олинмагунига қадар амал қилади.

5.4. Буюртмачининг тақдим этган шахсий маълумотларидан қуйидаги мақсадларда фойдаланилади: ушбу Шартномани, ёхуд Буюртмачи ва Ижрочи ўртасида тузилган бошқа шартномаларни бажариш ва амалга ошириш, Буюртмачининг талабномаларига жавобларни, жумладан, Сайтда онлайн-мулоқот орқали тақдим этиш, Буюртмачига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ хизматларни кўрсатиш, Буюртмачига Сайтда тақдим этилган хизматлар тўғрисида маълумот бериш, хусусан, юқорида қайд этилган Шартнома, тижорат ахборотларини, жумладан, электрон почта, смс-хабарлар орқали, мессенжерларнинг хабарларини ёки бошқа шунга ўхшаш алоқа воситалари, телефон қўнғироқлардан фойдаланган ҳолда тарқатиш.

5.5. Буюртмачи агар ушбу офертада кўрсатилган мақсадларни амалга ошириш учун зарур бўлган ҳолларда Ижрочи томонидан унинг шахсий маълумотлари учинчи шахсларга берилишига ўз розилигини билдиради. Буюртмачи розилигини билдиради ва Ижрочига ҳамда унинг контрагентларига ўзининг шахсий маълумотларига ишлов берилишига рухсат беради.

5.6. Агар Буюртмачи шахсий маълумотларни учинчи шахсларга тақдим этган тақдирида Буюртмачи учинчи томонни бундай маълумотлардан фойдаланиш тўғрисида хабардор қилиш ва тегишли розиликни олиш учун жавобгар ҳисобланади.

5.7. Буюртмачи томонидан тақдим этилаётган маълумотлар автоматлаштириш воситалари орқали ҳам, бундай воситалардан фойдаланмаган ҳолда ҳам ишлов берилиши мумкин.

5.8. Ижрочи ахборот ошкор бўлишининг олдини олиш ва бундай хавфларни камайтириш мақсадида мумкин бўлган барча техник ва ташкилий чораларни кўради.

5.9. Хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш мақсадида Ижрочи Буюртмачи билан телефон қўнғироқлари ёзиб борилишини амалга оширишга ҳақли.

5.10. Ахборотни Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги талабларига мувофиқ ошкор этиш мажбуриятларнинг бузилиши деб ҳисобланмайди. Ахборотнинг Ижрочи томонидан Буюртмачи олдидаги мажбуриятларни бажариш мақсадида у билан шартнома асосида ишлаётган учинчи томонга берилиши ҳуқуқбузарлик деб саналмайди. Ижрочи Буюртмачи томонидан маълумотларни Сайтда ҳамма фойдаланиши мумкин бўлган шаклда тақдим этганлиги учун жавобгар ҳисобланмайди.

6. Форс-мажор.

6.1. Томонлар агар Шартнома тузилганидан сўнг юзага келган табиий ёнғин, сув тошқини, zilзила, ҳарбий ҳаракатлар, қонунчиликка ўзгартиришлар киритилиши каби улар томонидан бартараф қилиб бўлмайдиган вазиятлар оқибатида, агар мазкур вазиятлар Томонларнинг ўз мажбуриятларини бажаришларига бевосита таъсир кўрсатган тақдирда ушбу Шартнома бўйича мажбуриятларини қисман ёки тўлиқ бажармаганлик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Бундай ҳолларда шартнома мажбуриятларини бажариш муддати қайд этилган вазиятлар амал қиладиган вақтга қадар узайтирилади.

6.2. Ўз мажбуриятларини бажаришга қодир бўлмаган томон қайд этилган вазият бошлангани ва тугагани тўғрисида зудлик билан бундай вазиятлар бошланганидан сўнг ҳар қандай ҳолатда ҳам 14 (ўн тўрт) кундан кечиктирмаган ҳолда ваколатли манбалардан форс-мажор вазиятни тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим этган ҳолда бошқа Томонни хабардор қилади. Форс-мажор вазиятлар ҳақида ўз вақтида хабарнинг берилмаслиги тегишли Томонни қайд этилган вазиятлар сабабли ўз мажбуриятларини бажармаганлиги учун жавобгарликдан озод этиш ҳуқуқидан маҳрум этади.

6.3. Агар қайд этилган форс-мажор вазиятлар 3 (уч) ойдан ортиқ давом этган тақдирида Томонларнинг ҳар бири Шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга бўлади. Бундай ҳолларда Томонлар ушбу қарор қабул қилинган вақтдан бошлаб 5 (беш) иш кунида ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириб оладилар.

7. Низоларнинг ҳал қилиниши.

7.1. Томонлар ушбу Шартнома доирасида юзага келиши мумкин бўлган низоли масалаларни тартибга солиш учун музокаралар йўли билан барча зарур чора-тадбирларни кўрадилар. Эътирозга жавоб бериш муддати 10 (ўн) иш кунини ташкил этади.

7.2. Агар Томонлар низоли масалаларни музокаралар йўли билан ҳал этишга эриша олмаган тақдирида зиддиятлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ Тошкент шаҳрининг иқтисодиёт бўйича туманлараро судида кўриб чиқилиши лозим.

8. Томонларнинг жавобгарлиги.

8.1. Томонлар шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганлиги ёки тегишлича бажармаганлиги учун Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига ва ушбу Шартноманинг шартларига мувофиқ жавобгар ҳисобланади.

8.2. Фойдаланиш қоидаларида назарда тутилган Онлайн НКМни сақлаш ёки ишлатиш бузилганлиги аниқланган, Буюртмачининг айби билан сурғичлар бузилган, шунингдек, Шартнома шартлари бузилган ҳолларда Онлайн НКМдан фойдаланишнинг кафолат муддатлари Ижрочи томонидан бекор қилиниши, шартнома эса бир томонлама тартибда тўхтатилиши мумкин. Бунда Ижрочининг ушбу Шартнома бўйича ҳисоб рақамида қолган пул маблағлари қайтарилмайди.

8.3. Буюртмачининг ташаббуси билан Шартнома бекор қилинишида жорий давр учун тўланган пуллар қайтарилмайди. Буюртмачи Шартномани бекор қилиш тўғрисидаги огоҳлантиришни Ижрочига ёзма шаклда тақдим этиши лозим.

9. Кафолатлар.

9.1. Ижрочи Шартномани тузиш ва ижро этиш учун зарур бўлган барча ҳуқуқ ва ваколатларга эга эканлигини кафолатлайди.

9.2. Оферта акцепти орқали ушбу Офертанинг шартларига рози бўлган ва қабул қилган ҳолда Буюртмачи Ижрочини қуйидагиларга ишонтиради ва кафолатлайди:

9.2.1. Буюртмачи www.support24.uz сайтида фойдаланувчи сифатида рўйхатдан ўтишда ишончли маълумотларни, жумладан, Буюртмачининг шахсий маълумотларини расмийлаштиришда Буюртмачининг ишончли шахсий маълумотларини кўрсатди.

9.2.2. Буюртмачи шартномани тузиш ва ижро этиш учун зарур бўлган барча ҳуқуқлар ва ваколатларга эгалигини кафолатлайди.

10. Бошқа шартлар.

10.1. Хизматлар кўрсатиш таркиби ва шартларини ўзгартириш, кенгайтириш, Ижрочи томонидан тақдим этилаётган янги хизматларнинг пайдо бўлиши, Оферта Шартномасининг ўзгариши, хизматлар нархининг ўзгартирилиши Ижрочининг ўзи томонидан бир тарафлама тартибда амалга оширилиб, агар ўзгартиришлар эълон қилинганда қўшимча тарзда кучга киришнинг бошқа муддати белгиланмаган бўлса, Ижрочининг www.support24.uz манзилидаги расмий сайтида Офертанинг янги таҳрири эълон қилинган вақтдан бошлаб кучга киради, агар эълонда бунинг акси кўрсатилмаган бўлса. Ижрочи www.support24.uz. манзилидаги расмий сайтида эълонни жойлаштириш орқали Буюртмачини хабардор қилади, агар эълонда бунинг акси кўрсатилмаган бўлса.

10.2. Агар Буюртмачи Ижрочига 5 (беш) календарь куни давомида хизмат кўрсатишнинг ўзгартирилган шартларини қабул қилишни рад этиш тўғрисида огоҳлантириш жўнатмаса, у ҳолда Шартнома янги шароитларда узайтирилган ҳисобланади.

10.3. Буюртмачи янги шартларни қабул қилишни рад этган тақдирда Шартнома Ижрочининг хизмат кўрсатиш бўйича янги шартлари кучга кирган вақтидан бошлаб бекор қилинади. Бунда Томонлар 5 (беш) иш куни давомида ўзаро ҳисоб-китобларни амалга оширади.

10.4. Ижрочи Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажариш учун учинчи шахсларни Ижрочи сифатида жалб қилишга ҳақли.

10.5. Шартнома бўйича барча корреспонденциялар Томонларнинг рўйхатдан ўтиш шаклларида кўрсатилган манзилларига факс/почта/электрон почта орқали жўнатилади. Томонлар Шартнома акцепти ва бошқа ҳужжатлар учун ваколатли шахсларнинг шахсан ўзи имзолаган имзосига тенг факсимиле имзоларидан фойдаланиш тўғрисида келишиб оладилар.

10.6. Томонлар тўлов ҳисоблар, қабул қилиш-топшириш ва бошқа ҳужжатлар электрон ҳужжат алмашинуви тизимидан фойдаланиш орқали Томонларга жўнатилиши ва улар тарафидан имзоланишига келишиб оладилар, бунда ҳужжатларни қоғозда ташувчиларини такрорлаш (тайёрлаш) талаб этилмайди.

10.7. Томонларнинг юридик, ҳақиқий манзиллари ёки хизмат кўрсатувчи банк ўзгарган тақдирда Томонлар бу ҳақда бир-бирини 10 (ўн) кун ичида хабардор қилиши шарт.

10.8. Ушбу оферта Шартномасида назарда тутилмаган ҳолларда Томонлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига риоя қиладилар.

10.9. Ушбу Шартноманинг қандайдир қоидаси ёки бирон-бир қисмини ҳақиқий эмас деб тан олиниси Оферта Шартномасининг қолган қоидалари ва қисмларининг ҳақиқий эмаслигига олиб келмайди.

10.10. Шартномани қабул қилишда Буюртмачи Шартноманинг барча шартларига ўзининг сўзсиз розилигини, шунингдек, у Шартномани ва Хизматлар кўрсатиш нархларини, хизмат кўрсатиш ва ундан фойдаланиш шартларини, Ижрочи тўғрисидаги маълумотни ўрганиб чиққанлигини тасдиқлайди. Шартлар Буюртмачига тушунарли, уларга рози ва ўзи учун уларни мажбурий деб тан олади.

Ижрочининг манзили ва реквизитлари

“SPECIAL TEXNO SOFT” МЧЖ

100057, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, А.Қаҳҳор кўчаси, 9-тор кўча, 1а-уй.

СТИР: 306 351 564

х/р: 2020 8000 9050 6595 0001

“Капиталбанк” АТБ Тошкент ш.

ММТ (МФО): 01088, банк СТИРи: 207 127 843

ИФТК (ОКЭД): 58290

тел: +998 (71) 200-10-70

e-mail: info@support24.uz

www.support24.uz

Директор **Д.Ф.Усмонов**

“SUPPORT Team” СМ техник хизмат кўрсатиш маркази (“SPECIAL TEXNO SOFT” МЧЖ)нинг Онлайн НКМнинг аппарат ва дастурий таъминотларига хизмат кўрсатиш ҳамда таъмирлаш бўйича хизмат кўрсатиш билан боғлиқ Шартномаларининг Оммавий офертасига

Спецификация иловаси

Тасдиқлайман

“SPECIAL TECHNO SOFT” МЧЖ

Директори

Д.Ф.Усмонов

2022.28.10.

Тарифлар

	Тарифнинг номла- аниши	Нархи	Даври
	Мақбул (оптимал)	92 000 сўм	Битта онлайн НКМ учун ойига
	Йиллик*	999 000 сўм	Битта онлайн НКМ учун йилига

* - Абонент тўлови уланган кунидан ёки бир ой давомига ўтказилганидан қатъи назар, бир йил учун амалга оширилади.

Унинг нархига қуйидагилар киради:

- Онлайн НКМни рўйхатдан ўтказиш
- Компания ходимини онлайн НКМда ишлашга ўқитиш
- Онлайн НКМни ишлашга тайёрлаш, биринчи ишга тушириш
- Онлайн НКМни яқка тартибда созлашлар – ҳар бир мижоз остида аппарат ва дастурий таъминотнинг созланишидир
- йилда 365 кун техник ёрдам (кўмак бериш)
- касса машиналари ва улар керак бўлувчи ускуналар билан ишлаш соҳасидаги маслаҳатлар ва ўқитиш
- Шахсий кабинетни тақдим этиш*.
- Фойдаланувчи шахсий кабинетда:
 - Балансини текшириши
 - Ҳар бир савдо нуқтаси, онлайн НКМ ва фиксал модул ҳақидаги маълумотни кўриши
 - Онлайн НКМни харид қилишга талабнома жўнатиш
 - Таъмирлаш учун талабномани жўнатиш
 - Мутахассисни жойга чақириш

- Онлайн НКМни мустақил равишда рўйхатдан ўтказиш (ТТМга жўнатилади)
 - Онлайн НКМни мустақил равишда рўйхатдан чиқариш
 - Қўшимча хизматларни ёқиш ёки ўчириш
 - Ва бошқалар.
 - Қурилмаларга техник кўмак бериш, касса тизимларига хизмат кўрсатиш, сервис хизматларини амалга ошириш
 - Қурилманинг кафолатли ва кафолатли бўлмаган** таъмирларини кўрсатиш
 - Онлайн НКМга янгиланишларни ўрнатиш (компания офисларида)
 - Жўнатилмаган чекларни узатиш ва онлайн НКМнинг дастурий таъминотини янгилаш мақсадида бепул интернетни тақдим этиш (фақат компания офисларида)
 - 5 кун муддати билан алмаштириладиган онлайн НКМни бепул тақдим этиш (онлайн НКМ таъмирда бўлган ҳолларда)
 - Онлайн НКМда ФБни (фискаль белгиси) бепул ўрнатиш/алмаштириш.
 - Шартномада назарда тутилган аниқ белгиланган муддатларда сифатли хизматларни тақдим этиш
 - Касса ускунасининг стандартлар ва меъёрий-ҳуқуқий базага мувофиқлигини текшириш
 - Мутахассиснинг кўрсатилган манзилга ўз вақтида етиб келиши
 - Онлайн НКМнинг ишлашини ҳар йили бепул диагностика қилиш
 - НКМ ва харажат материаллари (АКБ, қоғоз ва бошқ.) сотиб олиш
- бўйича тавсиялар

** - кафолатсиз таъмир пулли асосда амалга оширилади.

Хизматлар

Прейскурант (Рўйхат):

	Хизматларнинг номланиши	Нархи, сўмда, жумладан, ҚҚС 12%
1	Онлайн НКМ ишлашининг техник ҳолатини диагностика қилиш	0
2	Онлайн НКМни ҳар йиллик техник текширувдан ўтказилиши	0
3	Онлайн НКМнинг ишлаши бўйича премиум ўқитишлар (таълим)	1 соат учун 85 000
4	Онлайн НКМни терминал ёқишга мослаштириш	195 000
5	Мутахассиснинг мижоз жойлашган ҳудудга бориши (шаҳар чегарасида)	65 000
6	Мутахассиснинг мижоз жойлашган ҳудудга бориши (шаҳардан ташқарига)	4 150 1 км учун
7	Қурилманинг фойдаланувчи томонидан рухсатсиз очилиши туфайли ишлашини тиклаш (ҳавфсизлик сертификати)	250 000
8	Термо чоп этувчи бошчасини алмаштириш йўли билан таъмирлаш	456 500
9	Дисплейни алмаштириш йўли билан таъмирлаш	1 256 000
10	Аккумуляторни алмаштириш йўли билан таъмирлаш	266 000
11	Корпусни алмаштириш йўли билан таъмирлаш (тўлиқ)	246 500
12	Термо (ёнмайдиган) қоғоз лотогининг қопқоғини алмаштириш йўли билан таъмирлаш	69 000
13	Аккумулятор бўлинмасидаги қопқоқни алмаштириш йўли билан таъмирлаш	76 000
14	Refurbished – заводдан ишлаб чиқарилган ҳолатига қадар тиклаш (асосий платасини алмаштирамаган ҳолда)	2 095 000

15	Қувватлантириш тугмачасини алмаштириш, овозини тартибга солиш йўли билан таъмирлаш	105 000
16	Олд камерани алмаштириш йўли билан таъмирлаш	275 000
17	Динамикани алмаштириш йўли билан таъмирлаш	100 000
18	Асосий камерани алмаштириш йўли билан таъмирлаш	418 000
19	FOR SIM CARDS/HS (SIM СЛОТ)ни таъмирлаш	181 000
20	LDO коннекторини таъмирлаш	134 500
21	Қувватлантириш тақсимлагичи асбобини таъмирлаш	277 000
22	USB микро қисмини таъмирлаш	163 000
23	N5-ME SHFPC-V-2.0 коннекторини таъмирлаш	182 000
24	Онлайн НКМни диагностика қилиш ва таъмирлашга етказиб бериш бўйича транспорт харажатлари	50 000